ИЖАРАНИНГ МОҲИЯТИ, ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАН ОЛИНИШИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Джумаева Гузал Ахтамовна
ассистент

Аннотация. *Ушбу мақолада ижара билан боғлиқ муносабатларни халқаро стандартлар асосида ҳисобга олиниши ёритилади. 16-сон МҲХС асосида ижарани тан олиниши, идентификацияланадиган активлар, ижара компонентларини ажратилиши, ижара муддати миллий стандартларга солиштирилган ҳолда ўрганилган.*

Калит сўзлар: *ижара, 16-сон МҲХС, ижра компоненти, ижара муддати.*

Бизнинг олдимизга халқаро стандартларни ўрганиш, миллий ҳисоб тизими билан интеграсиялаш масаласи, таълим соҳасига тўлиқ киритиш, хўжалик юритувчи ташкилотларда МҲХС талаблари асосида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, молиявий ҳисобот шаклларини халқаро тамойилларга асосан тайёрлаш, шунингдек бухгалтерия ҳисоби объектлари(узоқ муддатли, жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал) ҳисобининг концептуал асосинини такомиллаштириш вазифаси қўйилмоқда. Биламизки, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги бозорларни ривожлантириш, корхона фаолиятини кенгайтириш узоқ муддатли активларга талабни келтириб чиқаради, шу ўринда корхоналар олдида иккита танлов туради, биринчиси узоқ муддатли активларни сотиб олиш ва иккинчиси уларни ижарага олиш.

Фан-техниканинг шиддат билан ривожланиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, узоқ муддатли активларни ижарага олиш корхоналар учун энг мақбул танлов бўлади. Хусусан замонавий бозор иқтисодиёти шароитида активлар ижараси билан боғлиқ муносабатлар ҳажми ортиб бормоқда.16-сон “Ижара” номли МҲХСга асосан ижара - товон эвазига муайян давр мобайнида актив (таянч актив)дан фойдаланиш ҳуқуқи бериладиган шартнома ёки шартноманинг бир қисми. Мазкур стандарт ижарани тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш тамойилларини белгилайди. Мазкур стандартнинг мақсади ижарачилар ва ижарага берувчилар томонидан ушбу операцияларни рўйи-рост акс эттирадиган ўринли маълумотни ёритиб беришни таъминлашдан иборат. Бундай маълумот ижаранинг ташкилот молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларига таъсирини баҳолаш учун молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига асос ҳисобланади.

Шартнома бўйича идентификацияланган активдан муайян давр мобайнида фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқи маълум ҳақ эвазига берилса, шартноманинг ўзи ёки унинг алоҳида компоненти ижара шартномаси ҳисобланади. Ижара объектини муайян даврга бериш деганда нафақат муайян вақт оралиғи, балки ушбу объектдан фойдаланиш орқали олиниши кутилаётган маҳсулот бирликлари ҳам тушунилади. Масалан, ускуна бирлигидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган маҳсулот бирликлари сони.

Ташкилот шартноманинг ўзи ёки унинг алоҳида компоненти ижара шартномаси ҳисобланишини ижара муносабатлари бошланиш санасида баҳолаши лозим. Ижара муносабатлари бошланиш санаси бу ижара шартномаси тузилган санадан ва томонлар ижаранинг асосий шартларига нисбатан мажбуриятларни зиммасига олган санадан эртароғи ҳисобланади. Шартнома шартлари ўзгарган тақдирда, ташкилот ушбу

шартноманинг ўзи ёки унинг алоҳида компоненти ижара шартномаси ҳисобланишини қайта баҳолаши лозим.

Ижара шартномасида ижара субъектлари ижарага берувчи ва олувчи ижара объекти активлари (кўчар, кўчмас мулк, таянч активлар), ижара шартномасининг муддати ва энг асосийси ижара учун тўланадиган ҳақ(тўлов) аниқ идентификацияланиши лозим.

Агар етказиб берувчи фойдаланиш муддати давомида активни алмаштириш бўйича аҳамиятли ҳуқуққа эга бўлса, харидор идентификацияланган активдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Активни алмаштириш ҳуқуқи аҳамиятли бўлиши етказиб берувчининг активни алмаштириш бўйича амалий жиҳатдан имконияти мавжуд ва бунинг натижасида иқтисодий наф кўриши мумкин бўлганда юзага келади.

Актив харидорнинг ҳудудида жойлашгани бўлса, алмаштириш билан боғлиқ сарфлар, одатда, кўпроқ бўлади. Натижада, бундай алмаштириш сарфлари активни алмаштириш билан боғлиқ нафлардан ошиш эҳтимоли юқори бўлади. Ташкилот етказиб берувчининг алмаштириш бўйича ҳуқуқи аҳамиятлилигини ижара муносабатлари бошланиши санасидаги далиллар ва ҳолатларга асосланади.

Активни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш мақсадида етказиб берувчининг активни алмаштириш ҳуқуқи ёки жавобгарлиги харидорда идентификацияланган активдан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлигига тўсқинлик қилмайди.

Агар етказиб берувчида фақат муайян санада ёхуд ундан кейин ёки муайян ҳодиса юз берганда ёки ундан кейин активни алмаштириш бўйича ҳуқуқ ёки жавобгарлик мавжуд бўлса, етказиб берувчининг алмаштириш бўйича ҳуқуқи аҳамиятли ҳисобланмайди. Чунки етказиб берувчида

фойдаланиш муддати давомида муқобил активларни алмаштириш бўйича амалий имконият мавжуд бўлмайди.

Дейлик, харидор етказиб берувчи билан таянч активдан 6 йил давомида фойдаланиш ҳуқуқини олиш бўйича шартнома тузган. Шартномага кўра, етказиб берувчи 3 йилдан сўнг муайян санада ушбу активни алмаштириш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳолатда шартнома ижара сифатида қаралади. Чунки етказиб берувчи фойдаланиш муддати давомида муқобил активларни ихтиёрий вақтда алмаштириш бўйича амалий имкониятга эга эмас. Шунинг учун, унинг алмаштириш бўйича хуқуқи аҳамиятли ҳисобланмайди.

Харидор етказиб берувчида алмаштириш учун аҳамиятли ҳуқуқ мавжудлигини осонлик билан аниқлай олмаса, алмаштириш бўйича ҳуқуқ аҳамиятли эмас деб тахмин қилинади. Активнинг фойдаланиш қисми жимоний нуқтаи назардан фарқли бўлса (масалан, бино қавати), у идентификацияланган актив ҳисобланади. Жисмоний нуқтаи назардан фарқли бўлмаган активнинг ишлаб чиқариш ёки бошқа қисми (масалан, оптик толали кабелнинг фойдаланиш қисми) активнинг амалдаги бутун ифодаламаса ва натижада харидорга активдан фойдаланишдан амалдаги барча иқтисодий нафларни олиш ҳуқуқини бермаса, у идентификацияланган актив ҳисобланмайди.

Агар харидор активдан фойдаланиш муддати мобайнида идентификацияланган активдан фойдаланишдан амалдаги барча иқтисодий нафларни олиш ҳуқуқига ва идентификацияланган активдан фойдаланиш усулини белгилаш ҳуқуқига эга бўлса, шартнома активдан фойдаланишни назорат қилиш ҳуқуқини ифодалайди. Активдан фойдаланишдан иқтисодий наф бевосита ёки билвосита (масалан, активдан фойдаланиш, тутиб туриш ёки иккиламчи ижарага бериш) усуллар билан олиниши мумкин. Активдан фойдаланишдан иқтисодий

нафлар унинг асосий маҳсулоти ва қўшимча маҳсулотларни (шу жумладан ушбу объектлардан олинган потенциал пул оқимлари), шунингдек учинчи шахс билан тижорат операцияси натижасида реализация қилиниши мумкин бўлган активдан фойдаланишдан бошқа иқтисодий нафларни ўз ичига олади. Активга эгалик билан боғлиқ иқтисодий нафлар ҳисобга олинмайди.

Ташкилот қайси томон (харидор ёки етказиб берувчи) фойдаланиш муддати давомида идентификацияланган активдан фойдаланиш усулини белгилаш ва қандай мақсадда фойдаланишни белгилаш ҳуқуқига эга эканини аниқлаши лозим. 16-сон МҲХСда бундай ҳолатларга нисбатан қарорларни қабул қилиш ҳуқуқларига қуйидагилар мисол тариқасида келтирилган:

• Маҳсулот ишлаб чиқариш турини ўзгартириш ҳуқуқлари;

• Маҳсулотни ишлаб чиқариш пайтини ўзгартириш ҳуқуқлари;

• Маҳсулотни ишлаб чиқариш жойини ўзгартириш ҳуқуқлари; ва

• Маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисидаги ва бундай маҳсулот миқдори тўғрисидаги қарорни ўзгартириш ҳуқуқлари.

Ўринли ҳисобланган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқлари активнинг характерига ва шартнома шартларига қараб турлича бўлиши мумкин. Қарорларни қабул қилиш ҳуқуқлари фойдаланишдан иқтисодий наф олишга таъсир кўрсатса, улар ўринли ҳисобланади.

Ташкилот ўз баҳолашини амалга оширишда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқларни ҳисобга олмайди. Етказиб берувчи актив ёки бошқа активлар билан боғлиқ манфаатларини ҳимоя қилишга, унинг ходимларини ҳимоя қилишга ёки қонунлар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этишини таъминлашга қаратилган шартларни ўрнатиши мумкин. Масалан, етказиб берувчи транспортни унда қонунга хилоф бўлган юкларни ташимаслик шартини ўз ичига олган шартнома

орқали бериши мумкин. Манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқлари харидорда активдан фойдаланиш усулини белгилаш ҳуқуқи мавжуд бўлишига тўсқинлик қилмайди.


Активни эксплуатация қилиш ёки унга техник хизмат кўрсатиш билан чекланган ҳуқуқлар активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишини белгилаш ҳуқуқлари ҳисобланмайди. Лекин, активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланилиши бўйича муҳим қарорлар олдиндан белгиланган бўлса, ташкилот уларни ҳисобга олиши лозим.

Таянч активдан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишни ижара муносабатлари бошланишидан олдин белгиланши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда харидор қуйидагилардан бири бажарилса, активдан фойдаланиш усулини белгилаш ҳуқуқига эга ҳисобланади:

• харидор фойдаланиш муддати давомида активни эксплуатация қилиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда етказиб берувчи эксплуатация қилиш бўйича кўрсатмаларни ўзгартиришга ҳақли бўлмаса; ёки

• харидор активни фойдаланиш муддати давомида ундан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланишини олдиндан белгилайдиган тарзда лойиҳалаштирган бўлса.


Шартномалар кўпинча ижара компонентлари ёки ижара ва ижара бўлмаган компонентларни ўз ичига олади. Масалан, бинони ижарага олиш шартномасида етказиб берувчи ушбу бинони қўриқлаш хизмати ёки сақлаб туриш хизматларини хам шартнома предметига киритиши мумкин. Бундай шартномалар бўйича ижара компонентини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Қуйидаги шартларнинг ҳар иккиси бажарилганда шартнома алоҳида ижара компонентига эга ҳисобланади:(1-расм)



1-расм. Ижара компонентлари.

Ижарага берувчи шартномадаги ижара ва тушумга оид компонентларни қандай ажратиб олиши лозим?

Ижара муносабатларига нисбатан 16-сон МҲХС “Ижара” қўлланади. Тушумлар эса 15-сон МҲХС талаблари асосида тан олинади. Кўп предметли шартнома ижара компонентини ҳам ўз ичига олган бўлса, тушум ва ижара компонентлари қуйидагича ажратиб олинади: (2-расм)




2-расм. Тушум ва ижара компонентларининг ажратилиши.

Ижара бўлмаган компонентларни аниқлашда, шартнома бўйича ижарага берувчига товар ёки хизмат ўтказилишини инобатга олиш лозим. Масалан, ижарага берувчи товар ёки хизмат ўтказилмаслигини назарда тутадиган маъмурий вазифалар учун ҳақни ёки ижара муносабати билан боғлиқ бошқа сарфларни умумий тўланадиган суммага киритиши мумкин.

Ижарачи товонни ижара компонентининг алоҳида нисбий нархи ва ижара ҳисобланмаган компонентларнинг алоҳида нархлари жамланмаси асосида ижаранинг ҳар бир компонентига тақсимлайди. Агар кузатиладиган алоҳида нарх тўғрисидаги маълумот фойдаланиш учун мавжуд бўлмаса, ижарачи алоҳида нархни мавжуд маълумотлардан максимал фойдаланиб баҳолаши лозим. Ижарага берувчи товонни 15-сон МҲХСга асосан алоҳида сотиш нархлари асосида тақсимлайди.

Амалий жиҳатдан соддалаштириш мақсадида ижарачи ижара ҳисобланмайдиган компонентларни ижара ҳисобланадиган компонентлардан ажратмасдан ҳисобга олиши мумкин. Бунинг ўрнига ижаранинг ҳар бир компонентини ва ижара ҳисобланмайдиган тегишли компонентларни ижаранинг ягона компоненти сифатида ҳисобга олиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Ушбу танлов ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида ёритиб берилиши керак бўлади. Шартномаларни бирлаштириш битта контрагент билан бир вақтнинг ўзида ёки деярли бир вақтнинг ўзида тузилган икки ёки ундан ортиқ шартномаларни бирлаштириши ва бундай шартномаларни ягона шартнома сифатида ҳисобга олиниши мумкин. Бунинг учун қуйидаги шартлардан бири бажарилиши лозим:



Шартномалар ягона тижорий мақсадга эга пакет сифатида келишилган. Чунки ижарага бериш учун уни ўрнатиш ва ижара якунида демонтаж қилиш ушбу фаолятнин ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун, шартномалар бирлаштирилиши керак.

Ижара муддати ижарага берувчи томонидан таянч активни ижарачи фойдаланиши учун берилган санадан (ижара бошланиш санасидан) бошланади. Ижара муддат ташкилот томонидан муддатидан аввал бекор қилинмайдиган ижара муддати сифатида белгиланади. Ижара муддати уни узайтириш опсиони орқали қамраб олинган даврларни ҳам, агар ижарачи бундай опсионни амалга оширишига асосланган тарзда ишонса, ўз ичига олади. Ушбу қоида ижарани тугатиш опсионига нисбатан ҳам қўлланади. Ижара муддати уни тугатиш опсиони орқали қамраб олинган даврларни ҳам, агар ижарачи бундай опсионни амалга оширмаслигига асосланган тарзда ишонса, ўз ичига олади.

Хулоса. Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига ўтиш шароитида ижара муносабатларини ҳисобга олиш масалалари

бухгалтерия ҳисоби тизимининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. 16-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти “Ижара” ижара операцияларининг иқтисодий моҳиятини тўлиқ акс эттиришга қаратилган бўлиб, ижара билан боғлиқ актив ва мажбуриятларнинг молиявий ҳисоботда янада шаффоф ва ишончли ёритилишини таъминлайди. Тадқиқот давомида ижара шартномасини идентификация қилиш, идентификацияланган актив тушунчаси, фойдаланиш ҳуқуқини назорат қилиш мезонлари ҳамда ижара ва ижара бўлмаган компонентларни ажратиш масалалари таҳлил қилинди. Ўрганишлар шуни кўрсатадики, ушбу жараёнларда 16-сон МҲХС талабларига қатъий риоя этиш молиявий натижаларни реал акс эттиришга хизмат қилади. Шунингдек, ижара муддатини белгилаш, узайтириш ва тугатиш опсионларини баҳолашда профессионал мулоҳазанинг аҳамияти асослаб берилди. Хулоса қилиб айтганда, 16-сон МҲХС талабларини миллий бухгалтерия ҳисоби амалиётига изчил жорий этиш молиявий ҳисобот сифатини оширади, фойдаланувчилар учун ахборотнинг таққосланувчанлигини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида” қонуни. 19.11.1991йил, 427-XII-СОН

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори. 2020 йил 24 феврал, ПҚ-4611-сон

3. 16-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти “Ижара”

4. 6-сон БҲМС “Ижара ҳисоби”

5. Абдусаломова Н.Б, Темиров Ф.Т. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. –Т.: ИҚТИСОДИЁТ, 2021. – 283 б.

6. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020, 558 б.

7. И.Аҳмадхоновнинг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича қўлланмаси” https://t.me/auditor_team

8. С. Ташназаров ва б. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 2 дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, 2024 - 704 бет.

9. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. Globe Edit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050 https://www.morebooks.shop/bookprice_offer_

10. Эргашева Ш.Т., Учебник «Международные стандарты финансового отчетности» –Т.: ТГЭУ, 2020 г

11. Hasanov B.A., Hashimov A.A., Muhametov A.B., Abduvohidov A.A. Buxgalteriya hisobi. Дарслик.- T.: ”Iqtisodiyot dunyosi” , 2021. 992 bet

Internet saytlari:

https://t.me/fiskaltahlil

https://uz.wikipedia.org/wiki/Ijara

https://globalhalal.uz/blog/datahub/ijara/?script=lat

https://lex.uz/acts/-112328